

Muzrobati

معرفت
PARIFAT

№ 25 (6536).
Баҳоси 5 сўм.

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1993 йил 10 АПРЕЛЬ, ШАНБА

Қонун ва ижро

КАСБ ТАНЛАШ МАРКАЗЛАРИ: У ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

«Таълим ҳақида»ги қонуннинг 3-моддасига асосан республикамизда 1992—1993 ўқув йилидан бошлаб 9 йиллик умумий мажбурий таълим жорий этилди. Эндilikда ўрта мактабларнинг 10-синфларига ўқувчилар танлов ва синов йўли билан қабул қилиниши керак. Қолган ёшлар ё иш билан, ёки маъсадга йўналган ўқув машғулотли билан таъминланиши керак. Бу муаммоларни ҳал этиш учун зудлик билан зарур ташкилий тадбирларни кўриши даврнинг ўзи таъқозо этаётир.

Биз район ҳокимлиги билан келишган ҳолда бир қатор тадбирларни режалаштирдик. Жумладан, 1992 — 1993 ўқув йилида 70-синфларни тамомлаётган ёшларнинг 70 фоизини ёки 1600 нафарини 10-синфларга жалб этишимиз. 300 нафари ўрта махсус ва ҳунар-техника билим юрталарига ўқишга юборилади, 400 нафари кечки ишчи ва қишлоқ ёшлари мактабларига жалб этилади. Ана шу кечки мактабларга жалб этиладиган 400 нафар ёшлар қундузи қандай иш билан машғул бўлади, уларнинг бўш вақти қандай банд этилади, деган саволга биз, райондаги ўқув-моддий базаси анча тузуқ бўлган, қатта-қатта қишлоқлар мактаблари ва Қўرғонтепа шаҳрида жойлашган мактаблар қондира касб танлаш марказларини ташкил этиш зарур, деб жавоб топдик.

Касб танлаш марказларига нафақат 9-синфини тугатган, ҳатто 11-синфини битириб ишсиз юрган йигит-қизларини ҳам жалб этишни мўлжаллашимиз. 15 та ўрта мактабда, қатталар таълим марказида ташкил этиладиган бу касб танлаш ва ҳунар марказларида ўқиш мუддатини 1—2 йиллик қилиб белгилади. Ёшларга ҳунарга 20 хил касб-ҳунар ўргатилади. Буасан, дурадгорлик, тўқувчилик ва тикувчилик, дўппиёзулик, ва наштачилик, этикдўлик ва сарторшонлик, новвойлик ва пазандлик, наққош-

лик ва зардўлик, электр-пайвандчилик ва слесарлик, гишт терувчилик ва сувоқчилик каби ҳунарларни ўргатишга ўз ишнинг устаси бўлган мутахассисларни, халқ усталарини жалб этишимиз.

Касб танлаш марказларида ҳунар ўргатиш учун шарт-шароитни яратишни ҳоимий ва оталиқ ташкилотлари, район халқ таълими бўлими ўз зиммаларига олади. Район ҳокимлиги эса касб танлаш ва ҳунар марказларида ишловчи мутахассислар ва халқ усталарини иш ҳақи билан таъминлашни ўз зиммасига олади. Бунга сарф этиладиган маблағ маҳаллий бюджет ҳамда даромади яхши бўлган корхона ва ширкатлар маблағлари ҳисобидан қопланиши хусусида ҳам келишиб олинди.

Тайёргарликни ҳозирдан бошлаб юбордик. Бу соҳада анча тажриба тўплаган иши Сино номли 2-, Бобур номли 3-, Ғ. Ғуллом номли 5-, А. Қодирий номли 10-, Улуғбек номли 11-, А. Навойий номли 20-, Беруний номли 36-мактабларда цехлар, ҳунар ўрганиш устaxonа ва хоналар жихозланиши бошланди, мутахассислар билан таъминланди.

Ҳунар ўқув йилидан бошлаб биз ана шу касб танлаш ва ҳунар ўргатиш марказларида ҳар йили 200—250 ёшга касб сирларини ўргатиб, уларга мутахассислик бўйича гувоҳномалар бериб борамиз. Бу марказларни тугатган ёшлар ўз ҳунари билан ҳаётдан ўз ўрнини топа олишига ишончимиз комил.

Биз белгиланган ташкилий тадбирнинг яна бир муҳияти шундаки, бунда ёшларимиз тарбияси, уларнинг таълими ўқувчи ва устозлар назоратида бўлади. Бу иш билан биз ўғил-қизларнинг беқорчилигини зеркиншига ва ноҳўй ишлар билан шугулланишига йўл қўймайлик таъминлаган бўламиз.

А. МАҚСУДОВ,
Қўрғонтепа туман халқ таълими бўлими мудири.



Ростмана талабанинг ўқув аудиторияларидан кейинги иккинчи семмли маскани — кутубхонадир. Чунки муаллим маърузасидан олинган йўналишлар тўғридан-тўғри у ердаги китобларга бориб тақалаверади. Бутун фикру хаёли китобга қаратилган суратдаги толиба Қўқон педагогика институтига тахсил олади.

ВАТАНПАРВАРЛИККА БАҒИШЛАБ

Қува туманидаги Намуна қишлоқ Кенгашида «Усмир ва ҳозирги замон» мавзусида ватанпарварлик тарбиясига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Кечага 1, 5, 6, 26, 40, 21-мактабларнинг юқори синф ўқувчилари, ҳарбий таълим ўқитувчилари, мактаб ташкилотчилари, маҳалла кўмиталари раислари, армияга қақирлувчи ёшлар таклиф қилинди.

Инъилишда туман мудоффа бўлими бошлиғи Маҳмуджон Бозоров маъруза қилди. Шунингдек, ҳарбий қисмларда йигитлик бурчин адо этиётган Р. Жўраев ва Ш. Исроиловлар хизматдаги фаолиятларидан айрилганларга сўзлаб беришди.

Ички ишлар бўлимининг ходими Илҳомжон Жабборов, қишлоқ Кенгашининг раиси Ҳайдарали Қодиралиев ва бошқалар она-Ватанини ҳимоя қилиш ва ватанпарварлик тўғрисида, животчиларнинг олдини олиш, чайқовчилик ва ўғриликка қарши курашда ёшлар катта кўмакчи эканлигини айтишди.

Кечада Тўланбой Исоқов бошчилигида «Дилхирож» халқ ансамбли аъзолари куй ва қўшиқлари билан қатнашчиларни қўшнуд этдилар.

Н. МҲМИНОВ,
Фаргона вилояти.

Яқинда Марҳамат тумани халқ таълими республика президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон — келажик буюк давлат» рисолига бағишланган илмий-амалий кенгаш бўлиб ўтди. Халқ таълими муассасалари раҳбарлари, ижодкор ўқитувчилар, ижтимоий фан муаллими, меҳнат фаҳрийлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этган бу анжумани туман халқ таълими бўлими

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КЕНГАШ

мавзусидаги маърузаларини зўр эътибор билан тингладилар.

Анжуман қатнашчилари республика раҳбариятининг олиб бораётган сёнатини тўла қўллаб-қувватладилар, республиканинг мустақил ривожланиш йўллари ҳар бир кишига умид бахш этишнинг алоҳида таъкидладилар.

А. ЭРАЛИЕВ,
Андижон вилояти.

Муаллимлик гоят олижаноб ва жуда қийин касб бўлиб, у кишидан ўз умрини шу касбга бағишлагани, доимий ижодкорлигини, тинимсиз ишлашини, зўр қалб саховати билан бера олишини, меҳр-муҳаббатини, ўз ишига астойдил садоқатини талаб қилади. Шундай ўқитувчига болаларнинг ҳам, халқнинг ҳам чуқур миннатдорчилигини ва ҳурматини қозонади.

Ўзбекистон ўқитувчиларининг кўп

ИСТЕЪДОДЛИЛАР БЕЛЛАШУВИ

мактаб ўқувчиси (ўқитувчиси Отахонов Т.) Отахонова Нилуфар 80%, шу вилоятнинг Булоқбоши туманидаги 3-мактаб ўқувчиси Олимова Марғуба 78%, (ўқитувчиси Янгйўбоева М.), Наманган вилояти Чортоқ туманидаги 26-мактаб ўқувчиси Давлатова Нодира 78% (ўқитувчиси Энонов Р.), 10-синфдан Тошкент вилояти Паркент туманидаги 10-мактаб ўқувчиси Маҳаммадалиева Маджид 82% (ўқитувчиси Холтоев С.), шу вилоятнинг Зангиота туманидаги 36-мактаб ўқувчиси Абдувоҳидова Мунис 80% (ўқитувчиси Нурматова М.) лар ўқувчилар орасида энг юқори балл тўпладилар.

Низом талабидан келиб чиқиб, ҳақамлар ҳайъати қарори билан Урганч шаҳридаги Отаҳий номли 1-дастейннинг 11-синф ўқувчиси Н. Оллоберганова 86 фойз балл тўплаган, энг юқори кўрсаткичга эришиб, она тили ва адабиёт фани бўйича республика олимпиадасининг ғолибаси бўлди. Н. Оллоберганова Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ва зерлигининг биринчи даражали дипломи билан тақдирланди.

Қўрғонтепа СУЛТОНОВА, Республика ўқув-методика марказининг етакчи методисти, олимпиада масъул котибаси.

Баҳор фаслининг ҳусну жамоли, төрватини ҳеч нарса билан қислаб бўлмайди. Шафтолизор боғларнинг пушти, ўрикзорлар, олмазорларнинг бодроқдай оппоқ гуллари ҳамisha шoirлар дилига илҳом солган...

Жаннатмакон ўлкамизнинг табиасти ширин-шербат мевалар этиштириш учун кулай. Афсуски, кейинги пайтларда шаҳар қурилиши баҳонасида кўплаб боғ-роғлар пайхон қилиб юборилди. Кўчат ўтказиш мавсумларида мевали дарaxтларни кўпайтиришга эътиборсизлик билан қаралди. Ҳатто мактаб, боғчалар учун ажратилган майдонларга ҳам қорғай, чинор, акас сингари манзарали дарaxтларни экиш одат тусига кириб қолди.

Ҳайриятки, дадил ва ишинг кўзини биледиган раҳбарлар ҳам бор экан. Биз пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги 29 ва 249-ўрта мактабларда барпо этилган боғлар ҳақида мақтов сўзларини эшитгач, маъзур месканлар томон йўл олдик.

Мурод Ҳамроев номли 29-ўрта мактаб араб тилига ихтисослашган намунали билим ўчоқларидан бири сифатида танланган. Биз мактаб дарвозасидан ичкари киришимиз билан ярим гектарча майдонда дарaxтлар тагини юмшатаётган йигирма-

Ҳар бир бола — бир олам. Бу оламни мен болаларнинг чексиз қизиқишини, қатталарга бўлган ишончини, бутун оламни гўзал, туганмас чаманзор каби тасаввур этишини улар билан ишлаш даврида кузатдим ва кашф этдим.

Педагогик фаолиятимнинг дастлабки йилларидаги ҳақиқий мактаб болалар билими ва кўникмалар оладиган жойига эмаслиги менга равшан бўлди. Зотан, ўқиш бола маънавий ҳаётининг жуда муҳими соҳаси, лекин ягона жаҳза одатлашиб кетгани жараёни, дейишга одадликиб келамиз. Аслида эса мактаб тарбиячи билан тарбияланувчи кўплаб қизиқиб ва озу ҳавасларини бирлаштириб турадиган болалар жамоасининг кўп ёқлама маънавий ҳаётидир.

Ўқувчилар билан фақат дарсда уррашадиган, ўзи ўқитувчи столининг бутонида бўлиб, ўқувчилар наринги томонда қоладиган киши бола қалбини билдирмайди. Болани билдирмаган киши эса тарбиячи бўлолмайди. Бундайлар учун болаларнинг ҳис-туйғу ва интилишлари қўллингача қолаверади. Ҳақиқий ўқитувчи эса бола қалби қўлини очига қалит топа билиши керак.

Беш йил олдин бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Бир кун синфдан ташқари ишлар, яъни «Еш расомлар ва наққошлар» тўғарак машғулотини ўтказаятганида болалар берилган топшириқни берилиб, ашула айтиб, чиroyли қилиб чизишмоқда эди. Улар нақш чизишга шундай берилиб кетган эдиларки, ҳатто менинг ёнларида борлигини ҳам унутиб қўйишганди. Шу кайт манда: «Тўғарак машғулотларини мусиқа асосида ўтиш лозим», деган фикр туғилди. Маълумки, тайёргарликдан сўнг машғулотларини мусиқали усулда ўта

бошладим. Ана шунда болалар, умуман, бошқа бир муҳитга кириб кетдилар. Улар расм чизишдан бошқа нарса ҳарса ни унутдилар. Чунки мусиқа уларнинг сеҳри инжод қилиш қобилиятини ва кўникмаларини қўштириб, илҳомлантириб юборган эди.

Кейинчалик бу усулни тасвирий санъат дарсларида ҳам қўлландим. Масалан, 6-синфларда «Мусиқа асослари» мавзусида: най, сурнай, доира, рубоб, трийнак, дутор каби чолгулар ёрдамида

ридик. Муаллимлик гоят олижаноб ва жуда қийин касб бўлиб, у кишидан ўз умрини шу касбга бағишлагани, доимий ижодкорлигини, тинимсиз ишлашини, зўр қалб саховати билан бера олишини, меҳр-муҳаббатини, ўз ишига астойдил садоқатини талаб қилади. Шундай ўқитувчига болаларнинг ҳам, халқнинг ҳам чуқур миннатдорчилигини ва ҳурматини қозонади.

Ўзбекистон ўқитувчиларининг кўп

бўла олади. Ҳамма бало шундаки, кўп ўқитувчилар ўқувчининг, энг аввало, билиш, ўрганиш, ижод, инсоний муносабат оламини кириб келаятган шерик инсон эканини унутиб қўйиладилар. Кўп ўқитувчиларнинг ҳатоси шундаки, улар боланинг маънавий дунёсини фақат билим «даража»си, улар оладиган баллар билан ўлчайдилар ва баҳолайдилар. Бу тоғфа муаллимлар ҳамма ўқувчиларни дарсини ўқиш ёки ўқимаслигига қараб 2 тоғфага бўладилар.

Тарбия — бу, энг аввало, инсоншуносликдир. Болани биламай туриб, унинг ақлий ривожини, фикрлаши, қизиқишларини, интилишларини, қобилиятини, майларини англамай туриб, тарбия қилиш мумкин эмас. Аслида бола мактабга келган биринчи кундан бошлаб то етулик аттестати олгунча қадар ўқитувчи билан бирга поғонама-поғона кўтарила беради. Ҳуқитувчи боланинг ақлий, эстетик, ҳиссий, жисмоний камол топшишга бевосита ғамхўрлик қилади, маънавий бойликларини унга бера боради. Чинакам муаллим инсон қалбига зўрвонлик қилмаслиги, ҳар бир боланинг табии камол топш қўнуларига, унинг хусусиятларини, интилишларига, эҳтиёжларига синчиқлаб эътибор бермоғи керак.

Энг муҳими, ўқитувчи қайси идишининг ичига кирса, шу идишининг шаклига мослашадиган суоқлик каби маҳлақсиз, эътиқодсиз, билимизга оғмачи бўлмаслиги лозим. У болалар қалб тилисини оца билиб, уларни ўз кетидан эргаштира олиши керак. Бунинг учун у тинимсиз ишлаши зарур.

Лағофат БЕРДИЕВА,
Сурхондарё вилояти Сарносе туманидаги 1-лицейнинг ўқитувчиси.

Янгилаш даври, янгилашиш даври ҚАЛБГА ЙЎЛ

ибро этилган куй ва қўшиқлар ёзилган пластинка ва магнитофон нассеталаридан фойдаландим. Болалар мусиқа асосларидан таралаётган куй ва қўшиқларни тинглар эканлар, қайси мусиқа асослари эканини ажратиб, сўнг-ра улар тасвирини чизиб ёрдамида нагюрмортини ҳам акс эттира бошладилар. Бу билан улар фанларнинг ўзаро боғлиқлигини ҳам англаб етдилар.

Ҳа, ёшларга таълим-тарбия беришнинг мураккаб вазифаларини ҳал этиш кўп жиҳатдан ўқитувчига, унинг гоъий эътиқодига ва маданиятига ҳам боғлиқдир. Шу боисдан ҳам халқ ўқитувчиси ёш шахс маънавий дунёсининг меъмо

милиятли отряди мамлакатимизнинг ифтихори — ёшларни тарбиялашда мустақил республиканинг ишончли таянчидир. Бироқ гуруҳ ичидаги қўмак каби айрим мактабларда мурабий билан шогирд ўртасида йўл қўйиб бўлмайди, беъмани муносабатлар ҳам учраб туради. Бунинг асосий сабаби, ўқувчи билан ўқитувчининг бир-бирдан гумон сирашидир. Гоҳо ўқитувчи бола қалбининг эзгу характерини сезмайди, боланинг дарду қувончларига шерик бўла олмайди, ҳаёлан ўзини бола ўрнинга қўйиб қўришга ҳаракат қилмайди. Зотан, ўзи бола бўлганини ҳеч қачон унутмайдиган кишигина ҳақиқий ўқитувчи

Кўчат экинг, боғ қилинг!

КЕЛАЖАККА АТАЛГАН ГУЛЛАР

га яқин ўқувчиларга кўзимиз тушди. Чиroyли қилиб шакл берилган бодом, олма, ўрик, шафтоли дарaxтларидаги ҳосил нишончалари боғнинг яхши парварिश қилинешганини кўрсатиб турибди.

8-синф ўқувчилари билан ишлаётган биология ўқитувчиси Баси опа Орифжонована донинг бунёд этилиши тарихини сурширдик.

Мактабимиз ишга туширилганига ўн йилдан ошди, — дейди муаллима. — Дастлабки беҳордаёқ ерни қурилишдан қолган қум-шөгел, оҳак чикиндиларидан тазалаша қилишдики. Мактаб директори миз Светлана Азизхўжаева бошчилигида боғ ўрнини тартибга келтириб, унинг ағрофини темир ланжара билан ўрадик ва баҳор келиши билан сифатли қилиб юмшатиб ва ўғитланган майдонга 800 тулға яқин мевали ниҳолларни ўтказдик. Боғ юқори синфлардан ўтасига 5 сўтидан

бўлиб берилди. У тезда ҳосилга кирди. Гилос, шафтоли, олча каби мевалар эғзи лагерда дам олган болаларга берилди. Қузда этилган олман эсраб қиш қунарида ўтказиладиган байрам тантаналарида сарфлаймиз. Бундан ўқитувчилар ҳам, ўқувчилар ҳам баҳраманд бўлишмоқда.

Дид ва режа билан экилган кўчатлар берқ уриб ўсаятганини кўриб беҳад мамун бўлиб, ундан сая нарида жойлашган Обид Сидиков номли 249-ўрта мактаб томон йўл олдик. Хонадонлар андак кўчаларга тартиб билан экилган мевали дарaxтларни кўриб миришкор кишиларимиздан шодландим.

249-мактабнинг 1 гектарга яқин боғини кўрганнимизда дилимиз яйраб кетди. Бу ерда ўрик, олма, гилос, олча, жийда, беҳи, ҳатто бодомгача мевали дарaxтлар меҳр билан парварши қилинибди. Бу ишда боғбон Носир ака Қаҳҳоровнинг кўп

экиш одати бор. Зеро, яхшидан боғ қолади, деган нақл бежиз айтилмаган. Тупроғи олтинга төнг заминимизнинг ҳар қирчидан ўрнини фойдаланяётган мактаб, боғча ва бошқа ўқув муассасалари борлигидан кўнглимиз кўтарилади.

Пойтахтимиздаги 29 ва 249-мактаблардаги хайли ишлар бошқаларга ибрат бўлсин. Зотан, болалар қўли билан кўчартирилган боғ бир умр уларда ўзлари таълим-тарбия олган макса билан фахрланиш туйғусини уйғотса, иккинчидан, элюрт достурхонини тўкин қилади.

Юртимиз боғларга бурканса, фарзандларимиз ширин-шарк мевалардан баҳраманд бўлса, деган ният билан ишаймиз. Ана шундай хаблар билан қайтар эканмиз академик шоиримиз Ғафур Ғулломнинг кўнгидаги мисралари едга келди:

Алвон ранг гул эгдм, токн келажак,
Ердаги кўйиб бу, десин чаманни.
Номард ўлиб кетсин, беэамас экан,
Ўзи турғилиб ўсган азиз Ватанини.

Алқиса — азиз тупроғимизни боғ-роғларга айлантиришдан савобли ишдан четда қолайлик.

Ҳ. ЙЎЛДОШЕВ,
Ғ. МАННОПОВ,
меҳнат фаҳрийлари.

КУТЛАЙМИЗ!



Хурматли Абдурашид ҚОДИРОВ!
Ўқитувчилик шарафли, лекин машаққатли касб дейишди. Сиз Қумқўрғон туманидаги 38-ўрта мактабда 17 йилдан бунён ёшларга физика-математика сирларини ўргатиб келиасиз.

Турилган кунингизни нишонлаётган ушбу дамларда Сизга соғлиқ, ёш авлод тўрбасидек улғу ишингизга доимо зафарлар ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Ҳамкасб шогирдларингиз: **Х. МУМИНОВ, А. ҚАРОРОВ, М. ШАЙМАНОВ.**



Қизим МАЪФУРАХОН!

Сен менга оталик бахтини, волидан Насибхонга эса оналик саодатини инъом этганинг учун ҳам ҳар йили турилган кунинг хонадонимизда катта байрам қилинади. Яна икки кундан кейин Сеннинг шодибона кунинг. Ушбу кунда ўзим, онам, укаларим — Ҳабибулло, Фаррух, Ҳусан, синглим — Фотима, келинларим — Моҳира, Шарифа, Дилдора ва фарзандларим — Муножот ҳамда Жасурлар номидан чин юракдан табриклаймиз! Ҳамisha хушчақчақ кайфиятда юришингни, устозларингдан ўрганган педагогик тажрибанг янада камол топишини, бахтингизга омон бўлишингни истаймиз. Сенга иқбол тилаб, отанг:

Наримон ОРИФЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси халқ маорифи аълочиси.



Жиззах вилояти Бахмал туманидаги 14-мактаб ўқитувчиси Қўшмурод ОТАБОВЕ! Сизни оилангиз, фарзандларингиз кўтулур 50 ёшингиз билан табриклаб, соғ-омон ўзларига бош-қош бўлиб юришингизни тилаб қолади.

ЎШИТМАЛИК ДЕМАНГЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИР ЛАҲЗАЛИ ЛОТЕРЕЯСИ ФАҚАТ ШАХСИЙ ЖАМҒАРМАНГИЗНИ БОЙИТИШИНГИЗГА ЭМАС, ҲАТТО МИЛЛИОНЕР БЎЛИШИНГИЗГА ҲАМ ИМКОН ЯРАТАДИ!

РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ МИНГЛАБ ФУҚАРОЛАРИ БУНГА ШАХСАН ИШОНЧ ҲОСИЛ ҚИЛДИЛАР!

➔ **Сизни 25.000.000 сўм, 15.000.000 сўм, 10.000.000 сўм, 5.000.000 сўм, 1.000.000, 500.000 сўмлик ва бошқа ютуқлар кутади!**

ЛОТЕРЕЯ ШАРТЛАРИ ҲАҚИДАГИ БАТАФСИЛ АХБОРОТНИ: — ЛОТЕРЕЯ БИЛЕТЛАРИ СОТИЛАЁТГАН ЖОЙЛАРДА АФИШАЛАРДАН, — 54-26-31, 33-51-95, 45-66-43 РАҚАМЛИ ТЕЛЕФОНЛАРГА ҚЎНФИРОҚ ҚИЛИБ БИЛИШИНГИЗ МУМКИН.

БАХТИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ! СИЗГА ОМАД ЁР БЎЛСИН!

"ЎЗБЕКИСТОН "ЭКОСАН" "ВОСТОК" ФИРМАСИ ЖАМҒАРМА БАНКИ ЭКОЛОГИЯ ВА САЛОМАТЛИК ФОНДИ

ТАБИАТ ЧЕКМАСИН АЗИЯТ

Чилонзор туманидаги Ҳамидулла Ҳасанов номли 126-мактабнинг жуғрофия фани муаллими Эркин Икромовнинг ўтган кунни бўлган ижодий ҳисоботи шундай номланди. Аслини олганда, бу каби тадбир ҳам маорифчилигимизда ўзига хос бир янгилик ҳисоблана ажаб эмас. Бойси — чинакамга ижодкор муаллим фаолияти кўпчилик педагогларга ибрат бўлади.

Ҳисоботга йиғилган Эркин аканинг устозлари, шогирдлари, ёру биродарлари унинг шаънига ўзларининг илқ сўзларини айтишди. Унинг Тошкент шаҳри мактаблари муаллимлари орасида биринчилардан бўлиб замон талабига мос машғулотлар олиб боришни ташкил этганини ҳамда жуғрофия фанида компьютердан фойдаланишни йўлга қўйганлиги алоҳида қайд қилинди.

Мактаб директори Аҳмаджон Орипов эса Эркин аканинг нафақат жуғрофия фани муаллими, балки отахон ташкилотчи эканлигини тўқиланиб гапирди. Айтишларича, бирон-бир тадбир ўтказилгани ёки иш билан боғлиқ муаммо туғилгудек бўлса, Эркин ака ўзининг доно маслаҳатларини аямас эканлар. Умрини дунёда ҳеч ким, ҳеч нарса азият чекмасин, деган шир билан ҳаёт кечираётган бундай инсонлар бор бўлсин деймиш.

Мухбиримиз.

ЖАВОБЛАРИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ

20 ФЕВРАЛДАГИ ТОПҚИРЛИК МАШҚИ

1. Йил. 2. Лом. 3. Мум. 4. Мис. 5. Сор. 6. Рух. 7. Хол. 8. Луб. 9. Бор. 10. Рид. 11. Дон. 12. Нур. 13. Рим. 14. Мос. 15. Сут. 16. Ток. 17. Куч. 18. Чой.

Айлана марказида: 19. Оху. 20. Уфа. 21. Ака. 22. Ари. 23. Илк. 24. Ион. 25. Ниш. 26. Шод. 27. Дуо.

Ҳикмат: Дил ороми — илму донишдир.

Абулхасан РУДАКИЙ.

Ушбу машқни биринчилардан бўлиб, Андижон вилоятидан Раънохон Қимсанова, Абдуллажон Эргашев, Зокиржон ва Алишер Иброҳимовлар Фарғона вилоятидан Олимжон Султонов ва Му-

хиддин Мирзехмедов, Аскарал Мисировлар, Сирдарё вилоятидан Раҳима Абдурашидова, Паркент туманидан Жасурали Нибозиев, Қаршидан Раъшан Қомиловлар тўри бажариб, тахририятимизга жавоб йўллаганлар.

Шунингдек, газетада эълон қилинаётган топқирлик машқларига муштарийлардан Қ. Алламуродова, М. Тағриберганова, Р. Жуманиёзов, М. Норматова, О. Давронова, С. Тўлаева, М. Исмоилова, Ф. Мадрохимов, Р. Қомилов, Ф. Бешмоновлар ҳам жавоб йўллаганлар.

Топқирларга миннатдорчилик билдириб, ҳамisha омад тилаб қоламиз.

Ф. ОРИПОВ.

ТИЛШУНОСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Навоий шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тилшунослик институти, Навоий давлат педагогика институти, Навоий шаҳар «Ўзбек тили илмий-маърифий маркази» шу йил 27—28 апрель кунлари «Давлат тили ҳақидаги Қонуни» амалга оширишнинг долзарб муаммолари мавзусида республика илмий-амалий конференция ўтказилади.

Ушбу анжумани ўтказиш бўйича ташкилий қўмитага келган барча илмий мақолалар теанслар тўпламига кириштирилади, муаллифларга таклифномалар юборилди.

Конференция Навоий шаҳар «Фарҳод» маданият саройида соат 10.00 да бошланади.

Маълумот учун телефон: 3-62-50.

ТАШКИЛИ ҚЎМИТА.



«Ўқитувчи» наشريёт йилида қуйидаги китобларни нашр этди: Т. С. Назарова, А. А. Грабецкий, В. Н. Лаврова. Мактабда химиядан тажриба ўтказиш.

Қўлланмада муаллифлар асосий эътиборини мактабда химиядан тажриба ўтказишнинг моддий таъминлаш, илмий-техникавий юксалишнинг ўқув асбоб-ускуналарига татаъсири, шунингдек тақомиллаштирилган программа бўйича анъанавий ва янги асбоб-ускуналар воситасида ҳархил тажрибаларни бажариш услуби ва техникасига жалб этадилар.

И Раҳмонов. Чизмачилиқдан дидактик ўйинлар.

Бу қўлланма ўрта мактаб чизмачилиқ ўқитувчиларига мўлжалланган бўлиб, 7-8-синфлар учун чиқарилган «Чизмачилиқ» дарслиги асосида ёзилган.

Унда ўқувчиларнинг чизмачилиқдан олаётган билимларини текшириш, дарс давомида уларнинг фаоллигини ошириш мақсадида дидактик ўйинлардан фойдаланиш йўллари кўрсатилган. Ҳар бир ўйиннинг ўтказишда фойдаланиладиган курсатмалар кўрсатилган, плакат-чизмалар ва ҳар хил дидактик материалларни тайёрлаш бўйича тавсиялар берилган.

М. Дамиева, Т. Адамбекова. Ўйин машғулотлари (1-синф).

Мазкур методик қўлланма болалар билан олиб бориладиган таълим-тарбия жараёнини муваффақиятли ташкил қилишда ўқитувчи ва тарбиячиға маълум қўлайлик туғдиради. Ўқитувчи қўлланма ёрдамида болаларнинг ёшига мос дидактик ҳаракатли, халқ ўйинларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Ушбу қўлланмада акс эттирилган дидактик ва ҳаракатли ўйин-

лар кичик ёшдаги болаларнинг тафаккурини ўстиришга, нутқини ривожлантиришга, сўз бойлигини оширишга, уларни атроф-муҳит билан таништиришга яқиндан ёрдам беради. Мазкур рисоладан мактабларнинг кўпи ўзайтирилган гуруҳлари ва болалар боғчаларининг тарбиячилари ҳам фойдаланишлари мумкин.

Ж. Б. Бўронов, И. Аълоев, К. Р. Раҳмонбердиев. Ўзбекча-инглизча дугат.

Дугат инглиз тилини ўргатувчиларга, асосан ўрта мактаб ўқувчиларига, шунингдек олий ўқув юртлири студентларига мўлжалланган бўлиб, ўртача қийинликдаги матнларни таржима қилишни қўлда тутайди.

Дугатта ҳозирги замон ўзбек адабий тилида кенг қўлланмадан сўзлар киритилди.

М. О. Қодирхонов, Ғ. Ғ. Расулов. Автомобиль назарисидан масалалар тўплами.

Ўқув қўлланмасида келтирилган масалалар автомобиль назарисининг ҳамма бўлиmlарини ўз ичига олган.

Ўқув қўлланмасида автомобиль транспорти ва йўллари институти студентлари учун мўлжалланган. Ундан автомобиль транспорти ва йўллари техникумларининг ўқувчилари, автомобиль курси ўқитуладиган барча олий техника ўқув юртлирининг студентлари ҳам фойдаланиши мумкин.

Л. И. Скерелин. Физикадан дидактик материал, 7-8-синфлар.

Мустақил билим олиш ва уни тўқдириб бориш малакасини эгаллаш — таълимнинг ҳозирги босқичида энг муҳим вазифадир. Бунда эса ўқувчиларнинг дидактик материал билан мустақил иш бажаришлари катта ёрдам беради.

Мазкур қўлланма эса ана шу вазифани ҳал этишда ўқитувчи ёрдам беришни қўлда тутган бўлиб, унда VII ва VIII синф физика курси бўйича дидактик карточалар берилган.

Дидактик карточалар тўплами ҳар бирда 12 тадан карточка бўлган 12 та сериядан иборат. Улар мураккаблиги бўйича тақсимланган. Бу эса ҳар бир ўқувчининг мустақил ишлашини таъминлаш, топшириқларнинг қийинлик даражаси бўйича ўқувчиларга тақсимлаш имконини беради.

М. О. Иномова. Фарзанд — иқбол, ота-она — бобгон.

Мазкур рисолада оилада болани ҳақиқий инсон этиб тарбиялашда дуч келадиган оилавий муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари, бу ишда ота-оналарнинг роли, катта ёшдаги кичиларнинг ибратли намуналари мисолда талқин этилган.

Рисола ота-оналарга, синф раҳбарларига, тарбиячиларга, маориф ходимларига, умуман кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланган.

С. Я. Шамаш тахрири остида. Ўрта мактабда физика ўқитиш методикаси.

Китоб молекуляр физика ва электродинамикани ўқитишга бағишланган. Қўлланмада физика курсининг қайд этилган бўлиmlарини ўқитишнинг физик ва методик фойдалари баён этилган ҳамда умумий таълим, тарбия ва ўқувчиларнинг камол топиш масалалари ифодалаб берилган.

Китобда машқ қилиш учун масалалар ҳамда ўқув кинофильмларидан фойдаланиш ва демонстрацион тажрибалар ўтказишга оид курсатмалар келтирилган.

Э. Сафоева, И. Шоймардонов. Ўзбекистон халқлари тарихини ўқитишда ўлкашунослик материалларидан фойдаланиш.

Мазкур услубий қўлланмада 5-синфда Ўзбекистон халқлари тарихини ўқитишда ўлкашунослик материалларидан фойдаланиш.

Мазкур услубий қўлланмада 5-синфда Ўзбекистон халқлари тарихини ўқитишда ўлкашунослик материалларидан фойдаланиш.

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ.

С. Ҳ. Сирождидинов номли лицей маъмурияти ва касаб уюшмаси шу лицей бош хабосини Фотима Мухамедовага отасини АБВОС ани вафоти муносабати билан қўқур таъзия низоҳор этади.

ДИҚҚАТ!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ПЕДАГОГИКАСИ

ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

АСПИРАНТУРАНИНГ КУНДУЗГИ

БЎЛИМИГА ҚУЙИДАГИ

ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Педагогика тарихи ва назарияси (13.00.01) — 3 ўрин.

Ҳунар-техника таълимига оид фанларни ва меҳнат таълимини ўргатиш методикаси (13.00.02) — 1 ўрин.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, М. Мир-оқилов кўчаси, 57-«А» уй.

Телефонлар: 55-75-71, 54-47-55, 55-72-14.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ МАКТАБЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Агарда ўқув хоналарини жиҳозлашда, молиявий қийинчиликларга дуч келадиган бўлсангиз, Биз ёрдамга тайёрмиш!

Бунинг учун, Сиз мактабда макулатура йиғишни ташкил этиб, уни бизнинг тайёрлов шохобчаларимизга топширингиз!

Бир тонна макулатура учун 4000 сўм харид нархи белгиланган. Макулатура нақд пул бериш билан ҳам тайёрланади.

Макулатурани ўз вақтида мактабдан олиб чиқишга кафолат берамиш.

Автомашиналарга буюртма: 48-04-93, 48-50-38.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТАЙЕРЛОВ ҚОРХОНАСИ.

БИТИРУВЧИЛАР УЧУН ФОТОВИНЕТ-КАЛАРИ ТЕЗ ВА СИФАТЛИ ТАЙЕРЛАБ БЕРАМИЗ.

Маълумот учун телефон: 44-01-38.

ЯНГИ КИТОБЛАР

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирилик Халқ таълими ва фан ходимлари касаб уюшмаси Марказий қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58, 52-35.

ИНДЕКС: 64595.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 000040. Буюртма Г—133. 119179 нусхада босилди, ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими — А—2. Босишга топшириш вақти 20.00.

Босишга топширилди — 19.00.